

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018. FM./T.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ПАЙЗУЛЛАХАНОВ МУХАММАДЕ-СУЛТАНХАН
САИДИВАЛИХАНОВИЧ**

**ОЛДИНДАН БЕРИЛГАН МЕХАНИК ВА ПЪЕЗОЭЛЕКТРИК
ХОССАЛАРИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРУВЧИ ОКСИД
МАТЕРИАЛЛАРНИ МУЖАССАМЛАШГАН ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ
ЁРДАМИДА СИНТЕЗ ҚИЛИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги
энергетик қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
по техническим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Doctor Sciences (DSc)
on technical sciences**

Пайзуллаханов Мухаммаде-Султанхан Саидивалиханович

Олдиндан берилган механик ва пьезоэлектрик хоссалари билан ажралиб турувчи оксид материалларни мужассамлашган қуёш энергияси ёрдамида синтез қилиш 3

Пайзуллаханов Мухаммаде-Султанхан Саидивалиханович

Синтез оксидных материалов с заранее заданными механическими и пьезоэлектрическими свойствами с использованием концентрированной солнечной энергии..... 35

Paizullakhanov Mukhammade-Sultankhan

Synthesis of oxide materials with predetermined mechanical and piezoelectric properties using concentrated solar energy 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 71

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018. FM./T.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ПАЙЗУЛЛАХАНОВ МУХАММАДЕ-СУЛТАНХАН
САИДИВАЛИХАНОВИЧ**

**ОЛДИНДАН БЕРИЛГАН МЕХАНИК ВА ПЪЕЗОЭЛЕКТРИК
ХОССАЛАРИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРУВЧИ ОКСИД
МАТЕРИАЛЛАРНИ МУЖАССАМЛАШГАН ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ
ЁРДАМИДА СИНТЕЗ ҚИЛИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги
энергетик қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/T45 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Материалшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Атабаев Ильхам Гафурович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Рустам Хакимович

Техника фанлари доктори, ЎзР ФА Материалшунослик институти лаборатория мудири

Кличев Шавкат Исакович

Техника фанлари доктори, к.и.х., ЎзР ФА ионн-плазма ва лазер технологиялари институти директори

Юлдашев Исроил Абриевич

Техника фанлари доктори, И.А.Каримов номидаги ТДТУ «Муқобил энергия манбалари» кафедраси мудири

Етакчи ташкилот:

Фарғона Политехника институти

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги 30.05.2018. FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91; e-mail: ftikans@uzsci.net. Физика-техника институти мажлислар зали.

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.Р.Авезова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси т.ф.д., к.и.х.

А.Г. Комилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари номзоди

А.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда интенсив ривожланаётган қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги қурилмаларнинг функционал ва технологик имкониятларини кенгайтириш, улар ёрдамида юқори механик ва диэлектрик хоссаларга эга бўлган материалларни синтез қилиш соҳасида материалларнинг кимёвий таркиб жиҳатдан биржинсли эриган ҳолатини олиш ва унинг асосида йўналтирилган кристалланиш орқали шишакристал материаллар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мужассамланган қуёш нурлари оқими таъсирида юқори механик ва диэлектрик хоссаларга эга бўлган материалларни синтез қилиш жараёнининг янги самарадор йўллари ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда анъанавий технологиялардан фарқли ўлароқ қуёш нурларини мужассамловчи тизимлар воситасида материалларнинг муайян таркибли кластерлар тизимига эга бўлган эриган ҳолатини фиксация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни олиб бориш, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: мужассамланган қуёш нурларининг материаллар билан ўзаро таъсири жараёнларининг умумий қонуниятларини ўрганиш; уларнинг анъанавий технологиялардан устун жиҳатларини аниқлаш; пироксен ва первскит структурали материаллар эритмасига мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги, спектри ва қиздирилганлик даражасининг таъсирини тадқиқ этиш; емирилишга чидамли ва юқори диэлектрик киритувчанликка эга бўлган шишакристал материаллар синтез қилишнинг янги технологик жиҳатларини излаш ва аниқлаш.

Мустақиллик йилларида фундаментал ва амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларнинг долзарб йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда қуёш нурларини кўзгули мужассамловчи тизимлар, жумладан, Катта қуёш қурилмасида юқори зичликда мужассамланган қуёш нурлари таъсирида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида олдиндан берилган хоссаларга эга бўлган материалларни синтез қилиш технологияларини яратишда сезиларли натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, «...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарадор усулларини яратиш...»¹ масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шу жиҳатдан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги фундаментал ва амалий изланишлар натижасида янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали гелиоматериалшунослик соҳасини янада ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бу мужассамланган қуёш нурлари оқимининг материаллар билан таъсирланиш жараёнларини ўрганиш, тадқиқот натижалари асосида емирилишига чидамли ва юқори диэлектрик хоссаларга эга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўлган материаллар олиш ва улар асосида буюмлар тайёрлаш ҳамда уларни ип йигирув саноати қурилмалари ва электрон асбобсозлик технологияларига жорий қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2013 йил 1 мартдаги ПФ–4512-сон «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 17-июндаги «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4358-сон Қарори, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4387-сон Қарори, ЎРҚ-539-сон 21.05.2019й. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий юқори самарали усуллари, технологиялари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш борасидаги вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлатиш усуллари ривожлантириш, бошқа илғор технологиялар ва фотоника, нанотехнологиялар асосидаги қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Кўзгули мужассамловчи тизимлар воситасида берилган хоссаларга эга бўлган материаллар синтез қилиш жараёнларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар жахоннинг етакчи марказлари, институт ва университетларида олиб борилган. Қуёш концентраторлари илк бор керамика синтез қилиш, металлларни сиртини қаттиқлигини ошириш ва тозалаш мақсадида қўлланилган (Феликс Тромб). 1949 йилда у 50кВт қувватли қуёш сандони (Мон-Луи, Франция) фокусиде латунни эритган. Кейинчалик бундай тадқиқотлар Катта

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи:

<https://worldwidescience.org/topicpages/m/materials+science+chemistry.html>

Электронный научный журн. «Физико-химический анализ свойств многокомпонентных систем. ISSN 1819-5830. –В.І. –2003. [Электронный ресурс]–Режим доступа: <http://fh.kybstu.ru/fams> ва бошқа манбалар асосида олиб борилди.

куёш сандони жойлашган илмий марказ (SNRC, Франция), Германия аэрокосмик маркази (DLR, Германия), Вейсман институти (Израиль), Platform de Almeria (Испания), Россия фанлар академияси юқори температуралар институтида олиб борилган. Жахоннинг етакчи марказларида плазмен технологиялар, газ ҳолатдан кристалланиш, қаттиқ ҳолат реакциялари, сувли эритмалардан синтез қилиш каби усуллар ёрдамида синтез қилинган пироксен ва барий титанати таркибли шишакристал материаллар тадқиқ этилган ва бир қатор илмий-амалий натижалар олинган. Анъанавий усуллар гомоген, биржинсли таркибли эритма ва материаллар олиш имконини бермаслиги ва бундай материаллар зарраларнинг дисперс-боғланган тизими билан характерланиб шишага термик ишлов таъсирида йирик ўлчамли зарралар шаклланиши аниқланган. Бундай материалнинг механик, диэлектрик хоссалари паст.

Материалларнинг сиртига ишлов бериш орқали уларнинг емирилишга ва коррозияга чидамлилигини оширишга олиб келувчи юқори зичликдаги энергия манбалари (лазер, плазма, электрон-нур ёки ёй лампалар)га асосланган усуллар паст самарадорликка эга. 1999 йилда Flamant (Flamant G. et al., 1999) лазер, плазма ва куёш қурилмаларида умумий энергетик ва капитал харажатлар устида олиб борган таққосий таҳлил кўрсатадики, куёш нурларини мужассамловчи тизимлар юқори температурали материаллар синтез қилишда техникавий ва иқтисодий нуқтаи назардан катта имкониятларга эга³. Бу борада кўзгули мужассамловчи тизимлар асосидаги куёш қурилмалари воситасида мужассамланган экологик соф куёш энергиясидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Украина фанлар академияси Материалшунослик муаммолари институтида (Пасичный В.В. ва бош., 2006) олиб борилган тадқиқотлар куёш сандонида саноат чиқиндиларини қайта ишлаш наноўлчамли кукун материаллар олиш имконини беришини кўрсатди⁴.

Жахонда материалларни эриган ҳолатдан синтез қилишда куёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар қуйдаги устивор йўналишларда олиб борилмоқда: емирилишга чидамли ва юқори диэлектрик хоссаларга эга бўлган материаллар синтез қилишнинг самарадорлигини оширишнинг янги йўллари излаш; янги турдаги материалларни синтез қилишнинг самардор усулларини ишлаб чиқиш ва мужассамланган куёш нурланишининг турли агрегат ҳолатидаги материаллар билан таъсирланиш жараёнларини тадқиқ этиш; мужассамланган ёруғлик оқими зичлиги ва спектри, эритманинг қиздирилганлик даражасининг олинган материаллар хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлардан маълумки, Республикамизда электр печида эритилган маҳаллий базальт чиқиндилари асосида шишакристал материаллар синтез қилиш технологияси Тошкент

³ Nanostructured Materials for Solar Energy Conversion. Edited by Tetsuo Soga. Amsterdam.: Elsevier B.V. 2006. - 600p

⁴ Пасичный В. В., Корчемная В. С., Остапенко С. А., Пасичная М. С. Исследование процесса переработки псевдосплава W-Cu (5%) в солнечной печи.// Электрические контакты и электроды. 2006. С. 272-277.

кимё-технология институтида ўтган асрнинг 80-йилларида профессор А.И.Исмамов, М.Х.Арипова раҳбарлигида ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда материаллар синтез қилишда кенг қўлланилаётган усуллар (буғ ҳолатидан конденсация, механик майдалаш, лазер абляция, механокимёвий синтез, термик парчаланиш, сувдаги эритмалардан ўтказиш, золь-гель синтез ва бошқалар) кўрилаётган масала моҳиятидан келиб чиқиб турли самарадорлик касб этади.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб ЎР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Материалшунослик институтида маҳаллий хом ашё асосида Катта қуёш сандонида мужассамланган қуёш нурлари оқимида эритилган базальт чиқиндилари асосида шишакристал материаллар олинган. Бундай материаллар турли муҳитлар (кимёвий, иссиқлик) таъсирига юқори чидамлилиқ намоён этади. Ушбу изланишлар натижалари Рисқиев Т.Т., Абдурахмонов А., Гуламова Д.Д., Адылов Г.Т., Сулейманов С.Х., Рахимов Р.Х. каби олимларнинг мақолаларида келтирилган. Жумладан, юқори емирилишга чидамлилиқ намоён этувчи шишакристал материаллар олиш мақсадида махсус таркиб ва эритмадан синтез қилиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Аммо юқори зичликдаги қуёш нурланиши оқимида ўта қиздирилган эритма ҳолатдан синтез қилинган барий титанати асосидаги сегнетокерамик хоссаларга эга бўлган шишакристал материаллар бўйича изланишлар олиб борилмаган. Бундан ташқари материаллар структураси ва хоссалари шаклланиши жараёнига мужассамланган қуёш нурлари оқим зичлиги ва эритманинг ўта қиздирилганлик даражаси таъсирлари ўрганилмаган.

Дунё олимларининг олиб бораётган кўп сонли тадқиқотларига қарамай бугунги кунда турли технологик воситалар ёрдамида олинган шишакристал материалларнинг емирилишга чидамлилиги $0,008 \text{ г/см}^2$, диэлектрик критувчанлиги 700–800 дан кичик ва шу сабабли бундай материаллар кенг қўлланишга жалб этилмаган. Шундай қилиб, Катта қуёш сандонида мужассамланган қуёш нурлари таъсирида юқори механик ва диэлектрик хоссаларга эга бўлган материаллар синтез қилиш ва улар асосида буюмлар олиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Материалшунослик институтида қуйидаги лойиҳалар доирасида бажарилган:

ФА-Ф2-039 «Мужассамланган қуёш нурланиши таъсирида фаза шаклланиши механизмлари, дефект тузилмаси ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш» (2007–2011йй.), Р–3438 «Қуёш энергияси ёрдамида олдиндан берилган хоссаларга эга бўлган оксид материаллар яратишнинг экологик тоза технологиясини ишлаб чиқиш» (2007–2008 йй.), Ф3-ФА-0-20040 «Қуёш энергияси воситасида синтез қилинган сегнето- ва пьезоэлектрик материаллар физик-кимёвий хоссаларини ўзгариши қонуниятларини ўрганиш» (2012–2016 йй.), И2-ФА-010622 «Ситал ип юритувчи буюмлар тайёрлаш технологиясини ўзлаштириш» (2013–2014йй.), Ф-5-14 «Катта қуёш сандонида синтез қилин-

ган материалларда мужассамланган қуёш нурланишининг моддалар билан таъсири жараёнларини ўрганиш ва математик моделлаш» (2016–2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Катта қуёш сандонида пироксен $\text{CaMgSi}_2\text{O}_6$ ва барий титанати BaTiO_3 каби турли синфга оид материалларга юқори зичликда мужассамланган қуёш нурланиши оқими таъсирини аниқлаш ва юқори механик ва диэлектрик хоссаларга эга бўлган шишакристал материалларни олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Катта қуёш сандони функционал имкониятларини ўрганиб, фокал зонада берилган зичликда мужассамланган нурланиш оқимини олиш ва материаллар эритиш учун оптимал технологик режимларни аниқлаш;

Катта қуёш сандонида мужассамланган қуёш нурлари оқими таъсирида пироксен $\text{CaMgSi}_2\text{O}_6$, барий титанати BaTiO_3 таркибли шишакристал материалларини эриган ҳолатидан синтез қилиш жараёнларини ўрганиш;

Катта қуёш сандонида эриган ҳолатнинг қиздирилганлик даражаси, мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги ва нурланиш спектрининг шишакристал материаллар структураси ва хоссаларига таъсирини ўрганиш;

Катта қуёш сандонида синтез қилинган барий титанати структураси ва хоссаларига темир оксиди киритмаси таъсирини ўрганиш;

Катта қуёш сандонида мужассамланган қуёш нурлари оқимининг материаллар билан таъсирланиши моделини ишлаб чиқиш ва асослаш;

Катта қуёш сандонида эритилган пироксен чиқиндилари асосида емирилишга чидамлилиги $0,005 \text{ г/см}^2$, эгилишда мустаҳкамлиги 130 МПа бўлган шишакристал материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

Катта қуёш сандонида барий титанати асосида диэлектрик киритувчанлиги 3000 бўлган шишакристал материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

Катта қуёш сандонида синтез қилинган пироксен таркибли шишакристал материал асосида ип юритувчи ситал деталлар тайёрлаш учун ташкилот стандартини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «шихта тайёрлаш - Катта қуёш сандонида эритиш - совитиш - майдалаш - шакл бериш - пишириш» технологик занжирида олинган юқори механик (пироксен $\text{CaMgSi}_2\text{O}_6$) ва пьезоэлектрик (барий BaTiO_3 , титанати) хоссаларга эга бўлган шишакристал материаллар танланган.

Тадқиқотнинг предмети турли зичликда мужассамланган қуёш нурланиши таъсирида эритилган пироксен ва барий титанати эритмани совитиш билан олинган шиша асосида шишакристал материалларда фазашаклланиши қонуниятлари, материаллар структураси ва хоссалари ва уларга мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлигининг таъсири жараёнларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида оксид материалларда қуёш нурлари энергиясининг ютилиши ва иссиқлик ўзгаришларининг физик модели ва материаллар таркибини ҳисоблаш ва таҳлил қилишнинг физик-кимёвий усулларидан фойдаланилди, материаллар структураси (рентгенфаза,

электрон-микроскоп), физик-механик (сувютувчанлик, туйилмавий зичлик, сиқилиш ва эгилишда мустаҳкамлик) ва диэлектрик киритувчанлик хоссаларини ўрганиш стандарт ва регламентлар асосида олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Катта қуёш сандонида берилган хоссалар комплексига эга бўлган материалларни синтез қилиш учун мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги ва энергетик тақсимоти характерини хом ашёнинг ютиш коэффициентини, қоралик даражаси, эриш температураси ва иссиқлик ўтказувчанлиги каби кўрсаткичларга мос ҳолда оптималлаш лозимлиги кўрсатилган;

Катта қуёш сандонида эриган ҳолатни ўта қиздирилишига олиб келувчи юқори даражада мужассамланган ($300\text{--}350 \text{ Вт/см}^2$) оқим зичлиги шароитида эритиш, эритмани сувда совитиш орқали тоблаш натижасида $5\text{--}70\text{ мкм}$ ўлчамли зарралардан ташкил топган аморф ҳолатни олиш мумкинлиги аниқланган;

Катта қуёш сандонида базальт жинсларни 150 Вт/см^2 оқим зичлигида мужассамланган қуёш нурлари нурланиш оқими таъсирида қиздиришда диопсид $\text{CaMgSi}_2\text{O}_6$ ва авгит $(\text{Ca,Na})(\text{Mg,Fe}^{2+},\text{Al,Fe}^{3+},\text{Ti})(\text{Si,Al})_2\text{O}_6$ фазалар аралашмаси, оқим зичлиги 300 Вт/см^2 гача ортганда эса $\text{Fe}^{3+} \rightarrow \text{Fe}^{2+}$ ўтиши натижасида фаялит Fe_2SiO_4 ва диопсид-геденбергит $\text{Ca}(\text{MgFe}^{2+})\text{Si}_2\text{O}_6$ фазалар шаклланиши аниқланган. Бунда оптимал нисбатдаги аморф ва кристал фазалардан иборат ўта эриган ҳолатдаги микрокристаллитли тузилма материалнинг емирилишга чидамлилигини қаттиқ ҳолат синтезига нисбатан 12% га ортишига олиб келиши аниқланган;

Катта қуёш сандонида хром оксиди қўшилган базальт жинсларига мужассамланган ($300\text{--}350 \text{ Вт/см}^2$) қуёш нурлари оқими таъсирида хром ионлари Cr^{3+} ҳолатдан Cr^{2+} ҳолатга ўтиши ва $\text{Ca}_{1-x}\text{Cr}_x(\text{Mg,Fe}^{2+})\text{Si}_2\text{O}_6$ метастабил фазалар шаклланиши натижаси шишакристал материалнинг емирилишга чидамлилиги қўшимчасиз материалга нисбатан 12% га ортиши аниқланган;

илк бор Катта қуёш сандонида эриган ҳолатдан синтез қилишда нурланиш оқими зичлигининг паст қийматларида кубик сингонияли барий титанати шаклланиши, оқим зичлиги 300 Вт/см^2 гача ортганда эса титан ионлари Ti^{4+} ҳолатдан Ti^{3+} ҳолатга ўтиши кристал панжаранинг тертагонал бузилишга олиб келиши аниқланган; Ba^{2+} ионларининг Fe^{2+} ионлари билан алмашиниши оқибатида $(\text{Ba}_{1-x}\text{Fe}^{2+}_x)(\text{Fe}^{3+}_x\text{Ti}^{3+}_x)\text{Ti}^{4+}_{1-x}\text{O}_{3-x}$ фаза шаклланиб, материалнинг диэлектрик киритувчанлиги қаттиқ ҳолатдан синтез қилинган материалга нисбатан 2-3 марта ортиб кетиши аниқланган;

илк бор Катта қуёш сандонида мужассамланган қуёш нурланишининг қаттиқ ва суяқ ҳолатидаги материаллар билан таъсирланиши модели таклиф этилган ва юқори хароратларда материаллар деструкциясининг тезланиши ҳолатлар зичлигининг энергетик сатҳлар чегараларида кескин ортиб кетувчи зонавий тузилмаси билан характерланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

базальт жинслари асосида пироксен тузилмавий шишакристал материаллар, стехиометрик таркибли перовскит тузилмавий барий титанати мужасам-

ланган қуёш нурланиши оқимида эритмадан синтез қилиш оптимал шароитлари аниқланган ва апробациядан ўтказилган.

диссертация ишида тақлиф қилинган технология асосида емирилиш коэффициентини $0,005 \text{ г/см}^3$ ва эгилишда мустаҳкамлик 130 МПа бўлган шишакристал материаллар асосида деталлар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган материаллар намуналарида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар, тажрибавий синовларда стандарт таҳлил усулларининг қўланиши, натижаларнинг мувофиқлиги, бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган натижалар билан таққослангани, амалдаги физик-кимёвий услубиёт ва олинган материалларнинг қўлланиши тажрибада тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар мужассамланган қуёш нурланишини моддалар билан ўзаро таъсирланиш жараёнлари бўлими, ёруғлик ютилишида жисмларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги бўлими ривожланишига муайян ҳисса қўшади ва янги авлод оксид материаллар синтез қилиш усулларини яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни технологик мақсадли гелиоқурилмалар, масалан, Катта қуёш сандони ва бошқа имитацион қурилмалар ҳамда кўзгули мужассамловчи тизимлар асосидаги қурилмалар кўрсаткичларини оптималлашда қўллаш мумкинлиги билан асосланади. Шунингдек, улардан берилган кўрсаткичларга эга бўлган технологик қурилмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари Материалшунослик институти технологик тизимида жорий этилган. Хусусан, емирилишга чидамли шишакристал материал олиш бўйича «Шишакристал материал олиш учун шиша»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP 04455-сон, 2009 й.) олинган. Технология асосида Материалшунослик институтида керамик кернлар ишлаб чиқилган ва 22.09.2016 йил 58-сон шартнома асосида «Olmaliq g'istchisi» МЧЖга етказиб берилган. Керамик кернларнинг метал кернларга нисбатан арзонлиги (2,3 марта) ва қўлланиш вақтининг узоклиги (1,5 марта) оқибатида корхона иқтисодий самарадорлиги ортган.

Шишакристал ва керамик пигментлар тайёрлаш бўйича «Керамик пигмент тайёрлаш учун шихта»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (IAP 04342-сон, 2008 й.) олинган. Технология ЎРФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Материалшунослик институти Катта қуёш сандонини самарали эксплуатация қилиш жараёнида қўлланилди. Натижада материал ва энергия харажатлари 10–15 % га камайган.

Сопол тайёрлаш бўйича «Сопол тайёрлаш учун шихта»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (IAP 03766-сон, 2006 й.) олинган. Технология асосида Материалшунослик институтида керамик стержнлар ишлаб чиқилган ва 22.06.2016 йил 1/35-сон шартнома асосида «Standard Glass» МЧЖга етказиб берилган. Импорт ўрнини қопловчи

керамик стержнларнинг қўлланиши оқибатида «Standard Glass» МЧЖ корхонаси иқтисодий самарадорлиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижала-ри 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 3 та патенти олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 68 та расм ва 25 та жадвал ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммо шарҳи ва унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда қўлланиши, чоп этилган ишлар, диссертация тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шишакристал материаллар синтез қилиш технологияси**» деб номланган биринчи бобида физик-кимёвий усуллар воситасида синтез қилинган пироксен ($\text{CaMgSi}_2\text{O}_6$) ва перовскит (BaTiO_3) таркибли шишакристал материаллар бўйича шарҳ келтирилган. Берилган таркибли шишакристал материал синтез қилиш учун бошланғич таркиб, янада самарадор катализатор танлаб олиниши, эриш ва эритмани совитишнинг оптимал шароитлари, термик ишлов бериш режимлари аниқланиши лозим. Шиша таркибини ҳисоблашда хом ашёнинг кимёвий таркибидан келиб чиқиб берилган таркибли шиша шихтасини ҳисоблашнинг амалдаги маълум усуллари хамда шиша ва ситаллар таркиби ва хоссаларини, фазаларнинг, шу жумладан, шиша фазанинг нисбий миқдори ва таркибини ҳисобга олган ҳолда берилган хоссаларга асосланиб қўллаш мақсадга мувофиқ. Базальт асосидаги ситалларни синтез қилиш учун пироксен модули ва П.Ниггли молекуляр-норматив усули асосида ҳисоблаш олиб борилиши лозим. Термик ишловнинг айрим поғоналари параметр-ларини ўзгартириш орқали шишанинг йўналтирилган кристалланиши жараёнларини бошқариш мумкин.

Анъанавий технологиялар юқори температурали материалларнинг кимёвий таркиб жиҳатдан биржинсли эриган ҳолатини олиш имконини бермайди. Эриган ҳолат сифатини белгилаб берувчи асосий технологик омиллардан бири қиздириш ва совитиш тезлиги ҳисобланади. Қуёш

технологиялари материалларни қиздириш тезлигини юзлаб марта ошириш ва эриган ҳолатни катта (1000град/с дан юқори) тезликда тоблаш имконига эга.

Мужассамланган қуёш нурларининг эриган ҳолатга таъсири ва юқори температурали ҳолатни фиксация қилиш орқали муайян таркибли кластерлар тизими ва зарур хоссаларга эга бўлган материаллар олиш имконини беради. Бундан ташқари хом ашё сифатида саноат чиқиндиларини қўллаш Республика худудида экологик ҳолатни яхшилаш ва материаллар таннархини псайтиришга олиб келади. Демак, Катта қуёш сандонида юқори зичликда мужассамланган қуёш нурлари таъсирида материаллар эритмаси ва улар асосида материаллар олиш Давлат илмий-техник дастури доирасидаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш устувор йўналишидаги асосий илмий-техник ишланмалар жумласига киради.

Материалларни эриган ҳолатдан синтез қилиш жараёнлари устида тизимли изланишлар политроп ўзаро таъсирланиш жараёнлари умумий қонуниятларини аниқлаш, уларнинг анъанавий технологиялардан устунлиги жиҳатларини аниқлаш, қуёш қурилмалари, жумладан, Мегават қувватли Катта қуёш сандони функционал ва технологик имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан катта қизиқиш уйғотади. Бу изланишлар натижалари ёруғлик нурланишининг моддалар билан таъсири назариясини ривожлантириш йўлида янги маълумотлар бериб, пироксен таркибли шишакристал ва бария титанати негизида сегнетокерамик материаллар синтез қилишнинг илмий асосини ташкил этади.

Диссертациянинг «**Катта қуёш сандонида берилган зичликда мужассамланган қуёш нурлари оқимини шакллантириш жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида мужассамланган қуёш нурланиши оқими зичлигини ва юқори температураларни аниқлаш учун замонавий қурилмалар, ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ва қайтарувчи юзалар хатолигининг турли қийматларига мос оптик тизим учун энергетик кўрсаткичлар қийматлари аниқлаштирилди; гелиостатлар алоҳида полкаларининг ҳамда алоҳида группаларининг умумий энергетик кўрсаткичлар, фокал доғдаги оқим зичлиги тақсимотига қўшадиган ҳиссалари учун тузатишлар киритилди.

Юқори температураларда тадқиқотлар олиб бориш учун гелиостатларнинг алоҳида полкалари ва алоҳида группалари сонини бошқариш орқали Катта қуёш сандони фокал зонасида мумкин бўлган энергетик режимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилган.


Технологик масалалар учун қуёш нурланишининг фокал доғдаги оқим зичлиги ва фокал доғнинг алоҳида зоналаридаги ўртача мужассамланганлик даражаси муҳим ҳисобланган. Фокал доғдаги оқим зичлиги ва унинг кун давомида ўзгариши аниқланган. Бундай боғланишлар 1-расмда келтирилган.

2-расмда Катта қуёш сандони фокал зонасида энергия зичлигининг кун давомидаги ўзгариши келтирилган.


Аниқландики, Катта қуёш сандони фокал зонасида берилган зичликда мужассамланган ва берилган тақсимотга эга бўлган қуёш нурланиши оқимини олиш учун материалнинг оптик (ютиш коэффиценти, қоралик даражаси)

ва теплофизик (эриш температураси, иссиқлик ўтказувчанлиги) кўрсаткичлари ҳисобга олиниши лозим.

Бундан ташқари бугунги кунда шишакристал материал олишнинг керамик технологияси кенг тарқалган шиша технологиясига нисбатан алоҳида долзарблик касб этмоқда.



1-расм. Гелиомайдон алоҳида (рақамлар билан кўрсатилган) полкаларининг фокал текисликдаги мужассамланган оқим зичлиги тақсимотига таъсири



2-расм. Катта қуёш сандони фокал зонасида оқим зичлигининг кун давомида фокус диаметри (X) бўйича ўзгариши (рақамлар куннинг қайси вақтида ўлчашлар олиб борилганини кўрсатади)

Керамик технология бошланғич шишанинг кимёвий таркибига нисбатан камроқ боғланган бўлгани учун берилган хоссаларга эга бўлган шишакристал материаллар олиш бирмунча соддалашади.

Катта қуёш сандонида материаллар синтез қилиш технологияси, шакл бериш, намуналарни электр печида куйдириш ва пишириш, материаллар

структураси ва хоссаларини ўрганиш усуллари келтирилган. Шишакристал материал синтез қилиш учун соф оксидлар - SiO_2 , MgO , CaO , TiO_2 , BaCO_3 , шунингдек, тоғкон саноати чиқиндилари - Қўйтош (Жиззах вилояти) ва Ингичка (Самарқанд вилояти) базальт жинслари қўлланилган.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида хом ашё материалларини ўрганишнинг кичик хатолик билан комплекс баҳолашда объектив натижалар берувчи замонавий усуллари қўлланилди. Жинслар ва оксидларни таҳлил қилишда Q-1500 D дериватографда дифференциалтермик (ДТА) ва термогравиметрик таҳлил ўтказилган.

Материалларнинг кимёвий таркиби, структураси ва хоссалари давлат стандартлари (ГОСТ21216-2014, ГОСТ27180-02, ГОСТ2211-65, ГОСТ8462-85, ГОСТ 27180-02, ГОСТ 2641.181) асосида олиб борилган.

Хом ашё, керамик шихталар ва олинган шишакристал материалларда рентгенфазовий таҳлил $\text{CuK}\alpha$ -нурланишли ($2\theta=10-60$ град.) ДРОН-УМ русумли дифрактометрда олиб борилган. Рентген зичлиги $\rho_{\text{рент}} = 1.66 \times M/V$ формула билан ҳисобланди (M – формула бирлиги оғирлиги, грам, V – панжара ҳажми, Å^3), нисбий зичлик $\rho_{\text{отн}} = (\rho_{\text{каж}}/\rho_{\text{рент}}) \times 100\%$, туюлмавий зичлик $\rho_{\text{каж}} = m/V$, бунда m – намуна массаси, г, V – намуна ҳажми, см^3 формула билан ҳисобланди. Структуравий пўкаклик $\omega = M/(nr)$ формула билан ҳисобланди, M – молекуляр масса, бирикма элементлари атом оғирликлари йиғиндиси, n – бирикма формуласида структура тугунлари сони (атом, ион), r – зичлиги.

Материалларнинг микроструктуравий характеристикалари МИН-8 и «NEOFOT-21» микроскопларида шафоф (ўтувчи ёруғлик) ва силлиқланган шлифларда (қайтган ёруғлик) олиб борилган. Тадқиқотларда шишакристал материалда кристал фаза миқдорини аниқлаш рентген нурларининг тартибланмаган аморф ва кристал фазалардан сочилиши фарқи асосланган рентгенструктура таҳлили воситасида олиб борилди $c_k = K/A \times 100\%$, K – кристал қисмдан шаклланган дифракцион пиклар юзаси; A – аморф қисмда шаклланган гало юзаси.

«Пироксен таркибли шиша ва унинг асосида олинган шишакристал материаллар тузилмаси ва хоссаларига мужассамланган қуёш нурлари оқими характеристикаларининг таъсирини ўрганиш» деб номланган учинчи бобда Катта қуёш сандонида пироксен ($\text{CaMgSi}_2\text{O}_6$) таркибли шиша синтез қилиш ва унинг асосида шишакристал материаллар олиш жараёнлари ўрганилди. Пироксен таркибли шиша синтез қилиш ва унинг асосидаги шишакристал материаллар олиш жараёнлари ва уларнинг хоссаларига оқим зичлиги, совитиш тезлиги, нурланиш спектрининг таъсири ўрганилган.

Маълумки, шишакристал материаллар шишамассани махсус катализаторлар ёрдамида тўлиқ ёки қисман кристалланишга олиб келувчи рекристалланиш орқали олинади. Бунда эритманинг қиздирилганлик даражаси ва уни совитиш тезлиги катта аҳамият касб этади.

Шишанинг таркиби, катализатор тури ва термик ишлов режимларига мос ҳолда берилган хоссаларга эга бўлган ситал олинади. Шишакристаллар структураси учун характерли хусусият шуки, майда (2–8 мкм) кристаллитлар

орасида шиша фаза бир текис тақсимланади, унинг миқдори яхши кристалланган материалларда 5–10% ни ташкил этади. Шу маънода диопсид структурали шишакристал материални синтез қилишда ҳам ашё кимёвий ва минералогик таркибига мос ҳолда ҳисобланган пироксен модулини ҳисобга олган ҳолда технологик жиҳатларни аниқлаш шишакристал материалшунослигида асосий масалалардан бири саналади.

Базальт жинсларининг 1-жадвалда келтирилган кимёвий таркиби асосида ҳисобланган пироксен модули талаб даражасидаги 3 қийматдан ортиқ бўлиб, 3,24 ни ташкил этди. Бу эса ҳам ашёни доломит билан бойитиш лозимлигини кўрсатди (2-жадвал).

1-жадвал

Қуёш печида эритилган базальт жинслари кимёвий таркиби

содержание, мас. %															
SiO ₂	TiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₃ O ₄	Fe ₂ O ₃	FeO	MgO	MnO	CaO	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₂	Ппп	H ₂ O	CO ₂
36,1	0,07	5,11	11,23	2,06	8,16	3,30	0,85	40,2	1,32	0,9	0,04	0,8	9,4	0,5	8,7

2-жадвал

Ҳом ашёнинг мономинераль пироксен таркиби


Оксиды	Вес. %	Молекул кол-ва	Нормативные исходные группы								Недостающее SiO ₂ , CaO, MgO		Состав пироксена	
			Al ₂ O ₃ 2SiO ₃ K ₂ O	Al ₂ O ₃ 2SiO ₂ Na ₂ O	CaO Al ₂ O ₃ TiO ₂	2Al ₂ O ₃ CaOSiO ₂	CaOFeOSiO ₂	Fe ₂ O ₃ CaOSiO ₂	MgO CaOSiO ₂	CaOSiO ₂	Мол.кол	Вес. %	Вес. %	Пересч. на 100%
SiO ₂	44,12	0,735	0,024	0,012		0,024	0,057	0,018	0,064	0,54	0,076	4,56	48,68	40,85
TiO ₂	0,48	0,006			0,006								0,48	0,40
Al ₂ O ₃	9,21	0,090	0,012	0,024	0,006	0,048							9,21	7,73
Fe ₂ O ₃	2,87	0,018						0,018					2,87	2,41
MgO	2,57	0,064							0,064		0,152	6,08	8,65	7,26
CaO	31,22	0,557			0,006	0,024	0,057	0,018	0,064	0,54	0,152	8,52	39,74	33,35
K ₂ O	1,90	0,02	0,012										1,9	1,59
FeO	6,11	0,085					0,057						6,11	5,13
Na ₂ O	1,52	0,024		0,024									1,52	1,27
			0,072		0,021	0,128	0,218	0,136	0,206	1,21			119,1	99,99

Шиша қуйидаги схема бўйича синтез қилинган: ҳам ашёга дастлабки ишлов бериш (майдалаш) - берилган нисбатда аралаштириш - шакл бериш - эритиш - совитиш.


Материалларни мужассамланган қуёш нурлари оқимида 100-350 Вт/см² оқим зичлиги интервалида эритилган. Совитиш эритмани сувга тушириш ($v_{\text{сов}} \sim 10^3$ град/с) ёки сув билан совитилувчи сирт юзасида ҳавода ($v_{\text{сов}} \sim 10^2$ град/с) амалга оширилган. Шихта тўлиқ эриши (20 мин) оқим зичлиги 150 Вт/см² дан паст бўлмаган шароитда, энг яхши гомогенлик оқим зичлиги 300 Вт/см² бўлганда кузатилди. Пироксенларнинг эриши қуйидаги асосий жараёнлардан иборат: эриш температурасигача қиздириш, кристал тузилманинг бузилиши, аморф ҳолатга келиш, зарур даражада аморф ҳолатни олиш учун эритмани ўта қиздириш, юқори температурали киритмаларнинг эриши, эритмадан пуфакчаларнинг йўқолиши, керакли қовушқоқликдаги гомогенланган эритма олиш.

Эритилган материаллар (эритмалар) гомоген бўлиб тўла рентгеноаморфлик намоён этди (3-расм), уларда микроножинслик кузатилмади. Ҳавода секин (100 град/с) совитилган эритма рентгенограммаси (4-расм) моноклин диопсид $\text{CaMaSi}_2\text{O}_6$ (3,35, 2,99, 2,89, 2,53 Å) ва авгит CaMaFeO_3 ($d=4,44, 3,23, 2,99, 2,55$ Å) фазлар аралашмасини ифодалайди. Бунда дифракцион пиклар катта бурчак томон силжиши кузатилди. Бу эса поликристал тузилмада кучланиш ва деформация мавжудлигини кўрсатади.


Кукун ҳолатидаги шиша (зарралар ўлчами 40–80 мкм) ва массив намуналарда (зарралар ўлчами 2–3 мм) 20 – 1000⁰С температура оралиғида ДТА ўтказилди (5-расм). Намуналар оғирлиги доимий сақланиб қолди.



3-расм. Сувда 1000град/с тезликда тобланган эритма рентгенограммаси



4-расм. Ҳавода 100град/с тезликда совитилган эритма рентгенограммаси




5-расм. 3% доломит қўшилган намуна дериватограммаси

Шишанинг кристалланишга мойиллиги 700–1150⁰С температура оралиғида 1–3 соат ушлаш, секин совитиш тизимида ўрганилди. Дериватограмма чизиғида 750⁰С температурада эндотермик, 1000⁰С ва 1050⁰Сда иккита экзотермик пик кузатилди. 750⁰С даги эндотермик пик дегидратация жараёнлари ва кристалланиш арафасидаги кристалланиш ўчоқлари шаклланиши билан боғлиқ. Яъни кристалланиш жараёни икки босқичда кечади: 750–1000⁰С температура оралиғида бошланғич шишада мустаҳкам кристал каркас шаклланади; 900–1100⁰С да пироксен диопсид-геденбергит қаттиқ қотишмаси кўринишидаги асосий кристал фаза шаклланади. Кукун ҳолидги намуналарда ДТА чизиғида экзотермик пик 20⁰С га силжиди ва бунда кристалланган пироксен миқдори ортди (пик юзаси 1,4 марта ортди) ва экзотермик эффект қисми кескин кўтарилиши кузатилди. Бундай силжиш пироксеннинг сиртда кристалланиши ҳақида гувоҳлик беради. Аммо унинг миқдори паст бўлгани

сабабли ҳажмий кристалланишга эришиш учун оз миқдорда катализатор зарурлиги маълум бўлди.

Микроструктуранинг электрон-микроскопик суратлар асосида олиб борилган таҳлилида шишанинг шароген сиртга эгалиги ва уларнинг гомогенлиги оқим зичлигини ортиши билан ортиши кузатилди (6-расм, 3-жадвал). Бунда пироксен кристалланиши ўчоқлари ҳамда қора рангдаги руда минераллари каби киритмалар мавжудлиги кузатилди. Бундай киритмалар ($\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot \text{FeO}$) магнетит фазалари бўлиши мумкин.



6-расм. Турли зичликда мужассамланган қуёш нурлари оқими таъсирида олинган пироксен шишаларнинг электрон-микроскопик суратлари

3-жадвал


Пироксен шишалар микроструктурасининг мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлигига боғлиқ ҳолдаги ўзгариши

Оқим зичлиги, Вт/см ²	Микроструктура
100	Кўпқиррали турли шаклдаги кристаллитлар, алоҳида кузатилаётган кристаллитлар билан бир қаторда кристаллитлар зич жойлашган соҳалар кузатилади, зарралар ўлчами 1–10 мкм, бир мунча шаклланган ориентация мавжуд.
200	Сочилган ва деформацияланган шаклдаги кўп қиррали кристаллитлар, зарралар ўлчамлари 1–5 мкм.
300	Зич жойланган кристаллитлар кўп қиррали турли шаклдаги кристаллитлар, зарралар ўлчамлари 0,4–1 мкм


Аниқландики, оқим зичлиги 150 Вт/см² дан 300 Вт/см² гача ортганда ва совитиш тезлиги бир хил бўлганда шиша ранги тўқ-жигаррангдан қорагача ўзгаради, бу эса темир ионларининг Fe^{3+} ҳолатдан Fe^{2+} ҳолатга ўтиши билан боғлиқ.

Ҳақиқатан, шишанинг инфрақизил спектри таҳлили ҳам бундан далолат беради (7-расм). Қаттиқ ҳолатда синтез қилинган материлнинг инфрақизил спектрида 650 и 880 см⁻¹ пиклар мавжуд ва улар Fe_2O_3 да темирнинг Fe^{3+} ҳолати билан боғлиқ, 150 Вт/см² да синтез қилинган материал инфрақизил спектрида эса пиклар 610 и 780 см⁻¹ да кузатилади ва улар $\text{FeO} \cdot \text{Fe}_2\text{O}_3$ аралашма билан боғлиқ. 300Вт/см² зичликда эритилган материалнинг инфрақизил спектрида фақат 590 см⁻¹ да пик мавжуд ва у темирнинг икки валентли ҳолати FeO билан боғлиқ.

Мужассамланган қуёш нурланиши оқими зичлиги шиша зарралари ўлчамига таъсир этади ва зернолар ўлчамининг оқим зичлигига боғлиқлигида кўринади (8-расм).



7-расм. Шишакристал материалнинг инфрақизил спектрлари: 1- қаттиқ ҳолатдан синтез қилинган шиша; 2- қуёш печида 150 Вт/см² оқимда эритилган шиша; 3 – қуёш печида 300 Вт/см² оқимда эритилган шиша



8-расм. Эритилган пироксен шиша зарралари ўлчамларининг оқим зичлигига боғлиқлиги

Кўриниб турибдики, оқим зичлиги ортиши билан шиша зернолари ўлчамлари номонотон тарзда камаяди. Аммо бу камайиш оқим зичлигининг 250–300 Вт/см² қийматларида тўйиниш характериға эға.

Аниқландики, шишанинг ва унинг асосида олинган шишакристал материалнинг хоссаларига энг катта таъсир этувчи омил бу шиша эритмасини совитиш тезлиги ҳисобланади. Турли тезликда совитилган шиша материаллар хоссаларини таққосий таҳлили кўрсатадики, аморф материал олиш учун эритмани 10³ град/с дан кам бўлмаган тезликда совитиш (тоблаш) лозим. Бу усул шишакристал материаллар олиш технологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда оптимал ҳисобланади. Олинган материаллар гранулалари осон тарзда бўлақларға ажралади, материални майдалаш жараёни осонлашади. 10² град/с тезликда совитишда эритманинг қотиши температура градиенти шароитида амалға ошади, бу эса зерноларнинг деформацияланиши ва кучланишларнинг шаклланишиға олиб келади.

Шундай қилиб, Катта қуёш сандонида пироксен таркибли шиша синтез қилишда материал эриш температурасидан анча юқори температураларда, яъни оқим зичлиги 200–300 Вт/см² бўлганда гомоген майда кристаллардан иборат микроструктура шаклланади ва бундай структура синтез қилинаётган материалға узатилади.

4-жадвалда печ типига мос ҳолда турли материалларнинг эриши жараёнларини кузатиш натижалари келтирилган. ($T_{пл}$ - эриш температураси, °С, E_g - тақиқланган зона кенглиги, eV, ε - қоралик даражаси, Q - мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги, Вт/см²).

Шиша синтез қилиш жараёниға нурланиш спектрининг таъсирини ўрганиш мақсадида турли материалларни Катта қуёш сандони ва УРАН

қурилмаси фокал зоналарида ҳамда электр печи камерасида эритиш борасида тажрибалар ўтказилди.


4-жадвал

Қиздириш турига мос ҳолда турли материалларнинг эриши натижалари

Материал	$T_{пл},$ $^{\circ}C$	$E_g,$ eV	ϵ	$Q,$ Вт/см ²	Натижа		
					Қуёш	УРАН	Электр
Fe ₂ O ₃	1390	2,2	0,8	43	++	++	+
пироксен	1390		0,85	43	++	++	+
SiO ₂	1550	5,7	0,73	63	-	-	+
TiO ₂	1870	3-3,2	0,78	120	+	+	-
BaCO ₃	2293		0.70	247	-	-	-
CaO	2614	7	0,93	394	-	-	-
MgO	2825		0,72	522	-	-	-
<i>изоҳ</i>	«-» – эримаслиги, «+» – эриш, а «++» – тўла эриш						

Аниқландики, мужассамланган қуёш нурлари оқими УРАН (ксенон лампали радиацион қиздириш қурилмаси) фокал зонасида мужассамланган ёруғлик оқимидан тубдан фарқ қилади. Қуёш сандонида мужассамланагн оқим спектри (0,3 – 3 мкм) тўлқин узунлиги интервалига эга. УРАН қурилмаси спектри эса 9% УФ диапазон, 35% кўринувчи соҳа, 40% яқин (0,8-1 мкм) ва 16% (1 мкм дан юқори) олис инфрақизил соҳани қамраб олади. Электр печи нурланиш спектри эса қиздирилган жисмлар нурланиши қонуни билан белгиланади ($\lambda=2980/T$, мкм).

9-расмда Катта қуёш сандони, УРАН қурилмаси ва электр печларида эритиб олинган шиша материаллар микроструктуралари кўрастилган.



9-расм. Шиша материаллар микроструктураси ва зарралар ўлчамларининг ўртача қийматларига нурланиш оқими спектрининг таъсири (а– Қуёш сандонида эритилган шиша, б –УРАН қурилмасида эритилган шиша, в – электр печида эритилган шиша)

5-жадвалда Катта қуёш сандони, УРАН қурилмаси ва электр печларида эритиб олинган шиша материаллар зарралари ўлчамнинг ўртача қийматлари келтирилган. Демак, инфрақизил нурлар билан қиздиришдан фаркли ўларок, қуёш сандонида синтез қилишда материалнинг қатлам-қатлам эриши кузатилади. Бу эса ёруғликнинг зернолар орасидаги соҳада λ га мос қалинликда нуқсонларнинг тақиқланган зонадаги энергетик сатҳларида ютилиши билан


боғлиқ. Кичик ўлчамли зарралардан ташкил топган материал тезроқ қизийди ва паст оқим зичлигида ҳам эрийди.

5-жадвал

Қуёш, УРАН ва силит печларида эритиб олинган шиша материаллар зарралари ўлчамининг ўртача қийматлари

Печ тури	Зернолар ўртача ўлчами, нм	Максимал миқдордаги зернолар ўлчамлари, нм
УРАН	150 – 5000	250
Қуёш	380 – 800	560
Электр	400 – 5000	650

Мужассамланган нурлар оқими таъсирида қизиш натижасида қаттиқ ҳолат кимёвий реакциялари кечади. Эриш температураси эришилгач синтез қилинган материал эрийди. Эриш «қаттиқ ҳолат-суяқлик» фаза ўтиши каби чегаравий характерга эга - оқим зичлигининг критик қиймати мавжудки, унга эришилгач эриш жараёни бошланади. Қуёш сандонида эритиш ва эритмани 10^3 град/с тезликда совитиб тоблаш эриган ҳолатни фиксация қилиш имконини беради. Микроструктуравий суратлар таҳлили кўрсатадики, Қуёш сандонида олинган шиша (10-расм) структураси тузилиши кристал фаза тузилмавий группировкалар мажмуасидан иборат.



10-расм. Турли турдаги печларда эритиб олинган пироксен шиша зарраларининг ўлчамлар бўйича тақсимооти


Тобланган материал кичик ўлчамли зарралар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг дисперслиги <5 мкм ни ташкил этади. Базальт жинсларда шиша шаклланиши жараёнига катализаторнинг таъсири ўрганилди. Катализатор сифатида хром оксиди Cr_2O_3 қўлланилди. Унинг бошланғич хом ашёга киритилган миқдори 3 оғирлик% дан юқори бўлмади. Бундай таркиб асосидаги шиша Катта қуёш сандонида эритиш орқали олинди.

Тобланган маҳсулот визуал тарзда ва микроскоп воситасида ўрганилди, хром оксиди қўшилган шиша биржинсли ва шаффоф бўлади. Хром оксидини 3% дан кўп миқдорда қўшишда шишанинг кристалланиш қобилияти кучаяди ва шиша ҳавода совиш жараёнида қалин кристалл қатлам билан қопланиб қолади. Бу эса Cr_2O_3 миқдорини 3% дан ошириш мақсадга номувофиқ эканини кўрсатади.

Қуёш сандонида эритиш орқали олинган пироксен таркибли шиша асосида шишакристал материал олиш технологияси жихатлари ўрганилди. Мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги, шиша фаза миқдори, катализатор миқдорининг шишакристал материал хоссаларига таъсири ўрганилди.


Шишакристал материал олиш учун мужассамланган қуёш нурларининг турли зичликдаги оқимида олинган шиша муайян технологик схемаси ишлаб чиқилди: шарли тегирмонда суюқ майдалаш (зарралар ўлчамлари 63 мкм) - 400⁰С да қуриштиш - шакл бериш - икки босқичли пишириш (900 – 1150⁰С ҳаво муҳитида 4–6 соат) - печда совитиш.

Рентгенограмма (11-расм) таҳлили кўрсатдики, 100 Вт/см² зичликдаги оқимда олинган шиша асосидаги пироксен таркибли шишакристал материал авгит (Ca,Na)(Mg,Fe²⁺,Al,Fe³⁺,Ti) (Si,Al)₂O₆ ва диопсид CaMgSi₂O₆ фазалар аралашмасидан иборат.




11-расм. Турли зичликдаги мужассамланган қуёш нурлари оқими таъсирида эритилган пироксен таркибли шиша асосидаги шишакристал материаллар рентгенограммалари: а) 100, б) 200, в) 300Вт/см² ($v_{\text{совит}} \sim 10^3$ град/с)

Оқим зичлигининг 150 дан 300 Вт/см² гача ортиши темир ионларининг Fe³⁺ ҳолатдан Fe²⁺ ҳолатга ўтиши ва оқибатда фаялит Fe₂SiO₄ ва диопсид-геденбергит Ca(MgFe²⁺)Si₂O₆ фазаларнинг шаклланишига олиб келади. Оқим зичлиги 300 Вт/см² бўлганда олинган шишакристал материал мономинерал диопсид-геденбергит структурага эга бўлади. Мужассамланган қуёш нурларининг турли зичликдаги оқими таъсирида олинган шиша асосидаги шишакристал материаллар хоссалари тубдан фарқланади (12-, 13-расмлар).




12-расм. Пироксен шишакристал материаллар туюлмавий зичлигининг оқим зичлигига боғлиқлиги ($v_{\text{ов}} \sim 10^3$ град/с)



13-расм. Пироксен шишакристал материаллар туюлмавий зичлигининг эритиш давомийлигига боғлиқлиги 300 Вт/см² ($v_{\text{охл}} \sim 10^3$ град/с)

Баайни, материалнинг туюлмавий зичлиги оқим зичлигининг ва эритиш давомийлигининг ортиши билан ортиб боради Бундай боғланишлар оқим зичлиги 250–300 Вт/см² ва эриш давомийлиги 25–30 минут қийматларида тўйиниш характериға эға. Мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлигиға мос ҳолда пироксен материалларнинг емирилувчанлиги ва механик мустаҳкамлиги, юклама остида деформацияланиш ҳам ўзгариб боради (14-расм).



14-расм. Пироксен материаллар емирилувчанлигининг оқим зичлигиға боғлиқлиги ($v_{\text{совит}} \sim 10^3$ град/с).

Бу ҳолат материал структураси, кристал ва аморф фазалар шакли ва нисбий миқдориға боғлиқ. Юқори оқим зичлиги гомоген эритма шаклланишиға олиб келади ва йўналтирилган кристалланишда моно минерал диопсид-геденбергит структура шаклланиб материални физик ва механик хоссалари ортади. Демак гомоген шиша олиш учун синтезни эритма ўта қизиш даражасиға ўтадиган (300–350 Вт/см²) юқори оқим зичлиги шароитида олиб бориш лозим. Паст оқим зичликларида оқимни нишонға йўналтириш тезли-

гини назорат қилиш лозим, негаки оқимни секин йўналтиришда силикат тизим-ларда фазавий ўтишлар секинлашади. Оқим зичлиги ортиши билан шиша-нинг биржинслилиги ва гомогенлиги ортади, зарраларнинг ўлчам бўйича тақсимоти оптималлашади. Мужассамланган қуёш нурларининг материал-ларға таъсири чегаравий характерға эға. Яъни оқимнинг критик зичлиги мав-жудки, бунда ионларнинг диффузиясига асосланган структура шаклланиши ёки бузилиши жараёнлари ниҳоятда тезлашади.

Мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги ортиб бориши билан ушбу кўрсаткичлар яхшиланиб боради (6-жадвал). Қуёш сандонида шиша олишда аморфлик даражаси юқори бўлиб 22 % гача етади (7-жадвал).

Мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги ортиши билан материалнинг кристал тузилиши интенсив тарзда бузилади, натижада шишада атомларнинг тартибли жойлашган зоналари миқдори камайиб тартибсиз зоналар миқдори ортиб боради. Шиша фаза «буфер» сифатида кристаллар ўсиши оқибатида шаклланувчи кучланишларнинг сўнишиға ва кристаллар ўсишиға халақит қилади, кристал ва шиша фазаларнинг нисбий миқдорини белгилайди. Кристал фазалар миқдорининг ортиши ва зарралар ўлчамларининг камайиши материал мустаҳкамлигининг ортишиға олиб келади.

Пиширилган шишакристал материаллар хоссалариға киритилган кристалланиш катализатори - хром оксидининг таъсири ўрганилди (8-жадвал).

Келтирилган натижалар кўрсатмоқдаки, хром оксиди Cr₂O₃ миқдорининг ортиши механик мустаҳкамликнинг ортишиға олиб келади. Бу эса хром

ионларининг мужассамланган қуёш нурлари таъсирида Cr^{+3} ҳолатдан Cr^{2+} ҳолатга ўтиши натижасида $\text{Cr}_3\text{O}_4(\text{CrO}\cdot\text{Cr}_2\text{O}_3)$ фаза шаклланиши билан боғлиқ. Хром ионлари зернолар чеграсида $\text{Mg,Cr,Fe}(\text{Cr,Al,Fe})_2\text{O}_4$ шпинел фазанинг шаклланишида иштирок этиб шишанинг кристалланиш қоблиятини оширади.

6-жадвал

Пироксен таркибли пиширилган шишакристал материаллар хоссаларининг мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлигига боғланиши

Кўрсаткич	Мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги, Вт/см^2			
	150	200	250	300
Сув ютувчанлик, %	0,05	0,04	0,03	0,02
Эгилишда мустаҳкамлик чегараси, МПа	125	130	140	145
Емирилувчанлик, г/см^2	0,018	0,012	0,008	0,006

7-жадвал

Турли оқим зичлиги таъсирида Қуёш сандонида ва электр печида турли температураларда олинган шиша асосидаги шишакристал материалда аморфлик даражаси

Синтез шароити							
Қуёш печи,				Электр печи,			
Оқим зичлиги, Вт/см^2	150	200	300	Температура, $^{\circ}\text{C}$	1450	1600	1800
Аморфлик даражаси	8	14	22	Аморфлик даражаси	5	12	18

8-жадвал


Шишакристал материаллар хоссаларига Cr_2O_3 нинг таъсири

Кўрсаткич	Cr_2O_3 миқдори, мас. %			
	0	2,0	2,5	3,0
Эгилишда мустаҳкамлик, $R_{\text{эгл}}$, Мпа	125	135	150	155
Туюлмавий зичлик, $\rho_{\text{туюл}}$, г/см^3	2,75	2,85	2,85	2,85
Емирилишга чидамлик, г/см^2	0,045	0,043	0,040	0,040
Термик чизикли кенгайиш коэффициенти, $1/^{\circ}\text{C}$	$1,7 \times 10^{-6}$	$1,6 \times 10^{-6}$	$1,3 \times 10^{-6}$	$1,1 \times 10^{-6}$

Шишакристал материалларнинг хоссалари одатий усуллар воситасида олинган материалларнинг хоссаларидан анча юқори. Шунинг учун таъкидлаш лозимки, қуёш печида синтез қилинган 3% хром оксиди қўшилган пироксен таркибли шишада юқори оқим зичлиги шароитида ($300\text{--}350 \text{ Вт/см}^2$) гомоген микроструктуравий ҳолат шаклланади, аморф ва кристал фазаларнинг оптимал нисбий миқдори (18–22 % аморф ва 82–78 % кристал) ўрнатилади ва бундай шишани емирилишга бардошли деталлар - ип юритувчи буюмлар тайёрлашда қўллаш мумкин.

«Барийтитанати таркибли шиша ва унинг асосида олинган шиша-кристал материаллар тузилмаси ва хоссаларига мужассамланган қуёш нурлари оқими характеристикаларининг таъсирини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобда перовскит структурали барий титанати BaTiO_3 асосидаги шиша ва шишакристал материаллар ўрганилди. Барий титанати таркибли шиша синтез қилиш ва унинг асосидаги материаллар олиш жараёнлари ва уларнинг хоссаларига оқим зичлиги, совитиш тезлиги, нурланиш спектрининг таъсири ўрганилди.

Таҳлиллар кўрсатадики, эритилган барий титанати асосидаги шиша бирига нисбатан хаотик тартибда жойлашган алоҳида микрокристаллар мажмуасидан ташкил топган (15-расм).



15-расм. Мужассамланган қуёш нурлари оқими (300 Вт/см^2) таъсирида эритилган ва турли усулларда совитилган барий титанати асосидаги шашанинг СЭМ суратлари: а - сувда совитилган, б –хавода совитилган


Нурланиш оқими таъсири эффектини баҳолаш учун назорат намуналар сифатида стехиометрик таркиб асосида олинган аралашмадан электр печида 1300°C да пиширилган намуналар ўрганилди. $\text{TiO}_2\text{--BaCO}_3$ аралашма фазавий диаграммасига асосан таркибий нисбат $\text{BaCO}_3:\text{TiO}_2=1:1$ бўлганда перовскит структурали барий титанати BaTiO_3 синтез қилиш мумкин.

Стехиометрик аралашма (титан оксиди TiO_2 , барий карбонати BaCO_3 асосида ярим қуруқ усулда преслаш орқали (500 кН) боғловчи материал (ПВА елим) воситасида таблетка намуналар тайёрланди ($3 \times 2 \text{ мм}$). Намуналар қуёш қурилмаси фокал зонасида ўрнатилди ва мужассамланган қуёш нурлари оқими таъсирида эритилди. Эритма сувда совитиш, тоблаш ва ҳавода қолдириш орқали совитилди. Сувда тоблаш ($v_{\text{сов.}} \sim 10^3 \text{ град/с}$) билан олинган материал аморф ҳолат намоён этди. Эритмани ҳавода секин ($v_{\text{сов.}} \sim 10^2 \text{ град/с}$) совитишда эса кристалланиш жараёни ва зернолар ўлчам-ларининг ортиши кузатилади ($10\text{--}50 \text{ мкм}$).

16-расмда мужассамланган қуёш нурлари оқими (300 Вт/см^2) таъсирида эритилган ва сувда (а), ҳавода (б) совитилган барий титанати асосидаги шашанинг рентгенограммалари келтирилган. Тобланган материал (16-расм (а)) рентгенограммасида фон сочилишдан бўлак пиклар мавжуд эмас ва бу ҳолат модданинг аморф тузилиши билан боғлиқ.


Эритмани ҳавода совитиш билан олинган материал кристалланиб қолишга улгуради (16-расм (б)). Рентгенограма рентген нурларининг барий титанати BaTiO_3 нинг панжара доимийси $a = 3,99 \text{ \AA}$ бўлган куб панжарасида шаклланишини кўрсатади. Сувда тобланган шиша агат ўғирчада майдалан-

ди, ярим куруқ преслаш усулида 8x2 мм ўлчамли таблеткалар тайёрланди. Олинган таблеткалар электр печида 1300⁰С температурада 2 соат давомида пиширилди ва 100 °С/мин тезликда совитилди.




16-расм. Мужассамланган қуёш нурлари оқими (300 Вт/см²) таъсирида эритилган ва турли усулларда совитилган барий титанати асосидаги шашанинг рентгенограммалари: а - сувда совитилган, б –хавода совитилган

Олинган материалнинг рентгенограммаси 17-расмда келтирилган. Бундай картина рентген нурларининг барий титанати тетрагонал панжарасида дифракцияси билан боғлиқ бўлиб панжара доимийлари $a=3,99 \text{ \AA}$, $c=4,02 \text{ \AA}$ ни ташкил этади. Бу натижалар тетрагоналлик даражаси $\delta=c/a - 1$ қиймати 0,010 га тенг ва тетрагонал бузилиш панжаранинг зернолар чегарасида деформацияси билан боғлиқ.



17-расм. С-тип ВаТiО₃ намунанинг рентгенограммаси

18-расмда барий титанати ВаТiО₃ таркибли шишакристал материал зарраларининг ўртача ўлчамининг мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлигининг таъсири остида ўзгариши келтирилган. Оқим зичлиги ортиши билан материал зарралари ўлчами 250 мкмдан 150 мкмгача камаяди.




18-расм. ВаТiО₃ таркибли шишакристал материал зарралари ўлчамининг мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлигига боғлиқлиги

Нурланиш оқими таъсири эффектини баҳолаш учун назорат намуналар сифатида стехиометрик таркиб асосида олинган аралашмадан электр печида 1300⁰С температурада 2 соат давомида пиширилди ва 100⁰С/мин тезликда совитилди. Бундай намуна рентгенограммаси асосида тетрагоналлик даражаси $\delta=c/a-1=0,007$ ни ташкил этди. Материал кристал панжараси ҳам деформацияланди ва унинг даражаси зернолар ўлчамлари билан боғлиқ. Тетрагоналлик даража-

сининг ортиши зарралар ўлчамларининг кичиклиги ҳамда юқори оқим зичлиги шароитида титан ионларини Ti^{4+} ($r=0,068$ нм) ҳолатдан Ti^{3+} ($r=0,057$ нм) ҳолатга ўтиши билан боғлиқ. Бу эса панжаранинг деформациясига олиб келади. Рентгенструктура таҳлили кўрсатдики, кристаллитлар ўлчамлари эритмани совитиш тезлиги билан белгиланади. Эритмани ҳавода совитишда аморф ҳолатни структуравий тартибланиши асосида кристалланиши кузатилади, деформация сўнади. Кристаллитлар орасидаги аморф қатлам кристаллитларнинг эластик жойлашувига олиб келади ва сирт таранглик кучлари таъсирида уларни боғлаб туради.

Таҳлиллар кўрсатадики, барий титанати поликристали керамикага монанад бир-бирига нисбатан хаотик тартибда жойлашган алоҳида микрокристаллар ва улар орасидаги шиша қатламдан ташкил топган (19-расм).



19-расм. Турли усулларда: а - шишадан пишириш орқали (С-тип); б - қаттиқ ҳолат реакциялари воситасида (D-тип) олинган барий титанати асосидаги шишакристал материаллар микроскопик суратлари

Шиша фазанинг шишакристал материалдаги миқдори эритмани совитиш тезлигига ва пишириш температурасига боғлиқ бўлиб 22% ни ташкил этади. Анча юқори температураларда шиша фаза миқдори 1–2 % гача камаяди.

Шиша асосида пиширилган материал структурасида 40 нм дан 240 мкм гача ўлчамдаги турли шаклдаги кўп қиррали кристаллитлар зич жойлашиши кузатилади. Қаттиқ ҳолатдан синтез жараёнида эса кўп қиррали кристаллитлар билан бир қаторда йирик 100 дан 1250 мкм гача ўлчамли зернолар зич жойлашиши кузатилади.

Эритмани совитиш тезлиги камайиши билан кристалланиш даражаси ортади, бу эса кристаллитлар оралиғидаги шиша фаза билан ўзаро когерентлиги ва эритма гомоген тизими билан боғлиқ. Чегараларнинг бундай сифати чегарадош кристаллитларнинг ўсишига олиб келади. Бунда кристаллитлар ўртача ўлчамларининг эритмани совитиш тезлигига боғлиқ бўлиши кузатилди. Яъни «сувда тоблаш - ҳавода совитиш - пишириш» жараёнида зарралар ўртача ўлчамлари 30 мкм дан 80 мкм гача ортади.

Оқим зичлигининг ортиши билан рентгенограммада I_{101}/I_{002} рефлекс кенглиги ва унинг интенсивлиги ортади. Бу эса кристал панжара тетрагоналлик даражасининг ортишидан далолат беради (9-жадвал). Кубик панжаранинг тетрагонал панжарага ўтиши титан ионларининг кислород йўқотилиши оқибатида Ti^{4+} ($r=0,068$ нм) ҳолатдан Ti^{3+} ($r=0,057$ нм) ҳолатга ўтиши билан боғлиқ: $BaTiO_3=Ba^{2+}Ti_{1-2x}^{4+}Ti_{2x}^{3+}O_{3-x}$.


Кислород вакансиялари барий титанати тақиқланган зонасида энергетик сатҳларни шакллантиради ва улар мужассамланган қуёш нурлари энергиясини ютишда қатнашади. 200 ва 300 Вт/см² оқим зичлигида синтез қилинган шишани 1300⁰Сда пишириб олинган барий титанати рентгенограммасида 2θ = 45° даги пик иккига ажралиши кузатилади (9-жадвал).

9-жадвал

Қуёш сандонида синтез қилиш шароитларининг барий титанати намуналари структуравий кўрсаткичларига таъсири (D_{HKL} – HKL пик кенглиги)

Оқим зичлиги, Вт/см ²	I ₁₀₁ /I ₀₀₂	Пик кенглиги, нм	Зарралар ўлчами нм,
100	0/100	14,2	130
200	100/32	22.9	98
300	100/33	37.5	55

Кристаллитлар ўлчамлари 14.0–37.5 нм ни ташкил этади. Ti⁴⁺(r=0,068нм) ҳолатдан Ti³⁺(r=0,057нм) ҳолатга ўтиш ва зарралар кичрайиши сегнетоэлектрик ўтиш температурасини камайишига олиб келади. Fe₂O₃ киритилган барий титанатини диэлектрик киритувчанлиги қуёш нурланиши оқим зичлиги ва Fe₂O₃ миқдорини ортиши билан ортиб боради (20-расм). Мужассамланган қуёш нурланиши таъсирида темир ионлари Fe³⁺(0,064нм) ҳолатдан Fe²⁺(0,078нм) ҳолатга ўтади ва улар Ba²⁺(0,135нм) ионлари ўрнини эгаллаб, (Ba²⁺_{1-x}Fe²⁺_x)Ti⁴⁺_{1-2x}(Fe³⁺Ti³⁺)_{2x}O_{3-x} фаза шаклланиб, панжара деформацияланади. Қуёш печида синтез қилинган тоза барий титанати учун сегнетоэлектрик ўтиш температураси 125⁰С бўлиб, қаттиқ ҳолат синтезида олинган барий титанатига нисбатан 10⁰С га паст. Барий ионларини темир ионлари билан алмаштиришда Кюри температураси 15⁰С пастга силжийди (21-расм).



20-расм. Турли усулларда: қуёш сандонида турли усуллар: 1 – 300 Вт/см²; 2 -200Вт/см² оқим зичлиги таъсирида эритиб олинган; 3 – электр печиди қаттиқ ҳолатдан синтез қилинган BaTi_{1-x}Fe_xO_{3-x} диэлектрик киритувчанлигининг темир оксиди мол миқдорига боғлиқлиги




Рис.21. Турли миқдорда темир оксиди киритилган барий титанати BaTi_{1-x}Fe_xO_{3-x} диэлектрик киритувчанлигининг температуравий боғланиши: 1 – x=0; 2 – x=0,3

Олинган натижалар асосида фараз қилиш мумкинки, мужассамланган қуёш нурлари таъсирида қиздиришда ёруғлик энергиясининг зарралар ораси-

даги нуқсонларда интенсив ютилиши оқибатида оксидматериаллар аралашмасида кимёвий реакциялар ўрин тутлади: $TiO_2 + BaCO_3 = TiBaO_3 + CO_2$. Бундай жараёнлар ўта катта тезликка эга ва термодинамик шароитлар қаттиқ ҳолат мувозанатидан анча узоқ. Макроскопик ва микроскопик характердаги юқори нуқсонлик даражаси материалнинг бузилишига олиб келади. Оқим зичлигининг ортиши билан нуқсон шаклланиши молекуляр даражага ўтади – кимёвий боғлар узилади, олис тартибланиш йўқолади ва материал эрийди. Шишакристал материални шишадан пишириш керамик пиширишдан фарқли ўлароқ кристалланиш жараёни билан кечади. Бунда пишириш кетиши ионларнинг зернолар орасидаги диффузияси, нуқтавий ва чизиқли нуқсонларнинг зернолар сиртига йўналтирилган ҳаракати билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида кристалларнинг контакт соҳаларда қўшма ўсишига олиб келади. Зернолар орасидаги шиша фаза сирт таранглик кучлари таъсирида зернолар ўлчамлари ортишини чеклайди. Мужассамланган қуёш нурлари оқими таъсирида олинган шиша асосида шишакристал материалнинг бундай микроструктураси материалга юқори диэлектрик киритувчанлик касб этади. Бундай материаллар конденсаторларда, электро-люминесцент ёруғлик манбалари ва бошқа қурилмаларда қўлланиши мумкин.


Шундай қилиб, мужассамланган қуёш нурлари оқим таъсирида олинган шиша асосидаги барий титанати шишакристалли қаттиқ ҳолатдан олинган барий титанатига нисбатан бўшроқ структура ва юқори (75%) тетрагоналлик даражасига эга бўлиб, юқори диэлектрик киритувчанликка эга.

«Нурланиш спектрининг синтез қилинаётган материаллар хоссаларига таъсири модели» деб номланган бешинчи бобда мужассамланган қуёш нурлари оқими материаллар билан таъсирланиши жиҳатлари таҳлил қилинган. Таъсирланиш механизмлари ва мужассамланган қуёш нурларининг материаллар билан таъсирланиши модели яратилган. Қуёш печида эритилган шиша асосида шишакристал материал олиш технологиясининг техник-иқтисодий асосномаси ишлаб чиқилган.

Мужассамланган ёруғлик нурланиши оқими таъсирида қиздиришда ўзига хос технологик шароитлар шаклланади ва берилган хоссаларга эга бўлган материал синтез қилишда қўлланиши мумкин. Мужассамланган қуёш нурлари спектри кўзгули концентраторлар қўлланилганда яқин инфрақизил ($\lambda=2-3$ мкм, квант энергияси 0,4-0,6 эВ) дан яқин ультрабинафша ($\lambda=0,3-0,4$ мкм, квант энергияси 3-4 эВ) соҳани қамраб олади. Агар оксид материалнинг тақиқланган зона кенлиги 4 эВ дан катта бўлса, қуёш нурланиши оқими материал ҳажмига кириб боради ва ёруғлик ютилиши нуқсонларнинг тақиқланган зона ичидаги сатҳларида кузатилади. Материалнинг тақиқланган зонаси торайиши билан қуёш энергиясининг катта қисми материалнинг сиртига яқин юқа қатламда ютилади, металларда эса қуёш энергияси фақат юқа сиртдагина ютилади ва катта температуравий градиент ҳосил бўлади. Бунда ҳаво-оксид чегарасида ҳам ёруғлик қайтиши кузатилади. Эриш температурасидан паст температураларда ёруғлик қайтиши муҳим рол ўйнамайди, негаки қуёш печи фокусигаги материал қуқун ҳолида бўлиб ёруғ-

ликнинг зернолар сиртидан кўп марта қайтиши амалдаги нол қийматли қайтишга олиб келади. Эришдан кейин суяқ фаза чеграси шаклланиши билан қайтариш жараёни материаллар синтезида муҳим рол ўйнайди. Суяқ фаза зернолар орасида модда алмашинишига ва бу билан реакциянинг тўлиқ амалга ошишига олиб келади.

22-расмда металл ва оксид материалларнинг интеграл қоралик даражаси турли температураларда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, металлларнинг интеграл қоралик даражаси паст қийматга эга (0,2) ва температура бўйича ортиб боради, оксидлар қоралик даражаси 0,7 дан юқори ва температура бўйича пасайиб боради. Қуёш нурлари оқимида эриш жараёнида материалнинг қизиши материал иссиқлик нурланиши оқими тушаётган қуёш нурлари оқими



22-расм. Турли температураларда металл ва оксид материалларнинг интеграл қоралик даражаси

билан тенглашгунга қадар давом этади. Қиздирилган жисмлар нурланиш қобилияти худди материалнинг юқори температурадаги интеграл қоралик даражаси каби тажрибаларни режалаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Аниқлаш қондасига монанд интеграл қоралик даражаси $\epsilon = \sigma / \sigma_0$ (σ – нурланиш коэффициент, Вт/м²К⁴), нурланиш зичлигининг (Вт/м²) температурага (К⁴) нисбати бўлиб σ ва ϵ катталиклари қийматлари температура, моддалар тузилиши, ҳолати, структураси, ишлов бериш тозалиги, примеслар мавжудлиги каби факторларга боғлиқ ҳолда тажриба орқали аниқланиши мумкин. Магний ва кремний оксидлари учун қоралик даражаси ортиб бориши кузатиладиган соҳалар мавжуд. Примеслар қоралик даражасини ҳамда материалларда фаза ўтишлари йўналишини етарли даражада ўзгартириб юборади. Шунингдек, юқори температураларда металллар ва оксидларнинг қоралик даражаси яқинлашади! Ёруғлик ютилиши ва нурланиши спектрал жиҳатлари қаттиқ жисм зоналар назарияси билан тушунтирилади. Идеал кристалл материалларда электронлар ҳолат зичлиги энергияга боғлиқ ва мумкин бўлган ва тақиқланган энергетик зоналар мавжуд. Металларда электронлар зонанинг бир қисмини тўлдиради. Электронлар сатҳнинг юқори қатламида жойлашади ва ўтказувчанлик зонасига ўтган ҳолдагина ўтказувчанликда иштирок этиши мумкин. Ферми сатҳи зоналар орасидаги ўрта сатҳда жойлашади. Реал материалларда майда ва чуқур примеслар энергетик сатҳлари, структура нуқсонлари - ваканция, диваканция ва тугунлар орасидаги атомлар ва бошқа структура нуқсонлари, сирт ҳолатлари, зернолар оралиғи мавжуд. Булар барчаси энергетик ҳолатларни шакллантиради ва энергия зичлиги тақсимотида ҳисса қўшади. Майда ва чуқур примесларнинг эрувчанлиги (10^{20} ва 10^{16} см⁻³) чегараланган. Хусусий нуқсонлар концентрацияси эриш

температурасида 10^{20} - 10^{21} см⁻³ гача етади. Бундай нуқсонлар тақикланган зонада локал сатҳларни шакллантиради ва материал зона структураси эриш температурасида сифат жиҳатдан ўзгаради. Зона чегараларида ҳолатлар зичлиги 2300К да 300К дагига нисбатан 30 марта катта (10-жадвал).

10-жадвал

Диэлектрикда зона чегараларида ҳолатлар зичлиги

T, K	200	300	773	1073	1173	1273	1573	1673	1773	1873	2273	2573
E, Вт/см ²	0.01	0.05	2.0	7.6	11	15	34.7	44.4	56.0	69.78	150	250
N*10 ⁻²⁰ , см ⁻³	0,13	0,24	1	1,7	1,9	2,2	3,0	3,28	3,58	3,89	5,2	7,2

Саёз примеслар максимал концентрацияси 10^{20} см⁻³, чуқур примеслар эса 10^{16} см⁻³ бўлганда тақикаланган зонада ҳолатлар зичлиги тақсимоти ўзига хос тарзда ўзгаради. Турли дисперсликка эга бўлган хом ашёни электр ва қуёш печларида эритиш жараёнларининг турли характерга эга бўлиши шуни кўрсатадики, кўринувчан спектрдаги ёруғлик асосан зернолар чегараларида ва юзага яқин сиртда тузилмавий нуқсонларда ютилади. Инфрақизил қиздиришдан фарқли ўлароқ қуёш печида синтез қилишда материалларнинг қатлам-қатлам бўлиб эриши кузатилади, бу эса ёруғликнинг λ қалинликдаги қатламда сиртга яқин соҳаларда тузилмавий нуқсонларда ютилиши билан боғлиқ. Кичик ўлчамли зернолардан тузилган материаллар тезроқ қизийди ва паст оқим зичлигида эрий бошлайди. Мужассамланган қуёш нурланиши оқими билан қиздириш натижасида қаттиқ ҳолат реакциялари амалга ошади.

Эриш температураси $T_{\text{эриш}}$ га эришганда эса синтез қилинган материал эрийди. Эриш жараёнини қуйидаги энергетик мувозанат тенгламаси билан ифодлаш мумкин:

$$Q = A + K, \text{ бунда } A = Q_{\text{нурл.}} + Q_{\text{эриш}} = \varepsilon\sigma T^4 + \lambda T, K = Q_{\text{конвек.}}$$

Нурланиш энергияси ютилиш A ва конвектив йўқотишлар K каби жараёнларга сарфланади (23-расм). Материалларнинг нурланиш энериясини ютиши материаллар температурасининг ортиши билан боғлиқ бўлиб материалларнинг эришига олиб келади. Ҳаво орқали иссиқлик йўқотилишига олиб келувчи конвектив йўқотишлар роли нисбатан юқори эмас. Таҳлиллар кўрсатадики, қаттиқ ҳолат реакциялари эриш температураси $T_{\text{эриш}}$ дан кичик температуралар $T_s = (0,5-0,7)T_{\text{эриш}}$ оралиғида олиб борилади ва уларнинг асосий жиҳати атомларнинг қаттиқ ҳолатдаги реакцияси маҳсулоти қатлами орқали диффузиясига асосланганидир. Қаттиқ жисмларда диффузия коэффициент катта эмас (10^{-6} – 10^{-12} см²/сек). Натижада реакция маҳсулоти ёт моддалар, реакцияга киришмаган компоненталар мажмуасига айланиб қолади, маҳсулот бир жинсли бўлмайди. Эритмадан синтез қилишда диффузия тезлиги анча юқори бўлади, бундан ташқари, суюқлик интенсив қориштириб турилиши мумкин ва реакция тезлиги янада ортади.

Гомоген кимёвий мутаносиблик бир неча секундлар ичида ўрнатилади. Бундан ташқари, реакция суюқ маҳсулотлари кейинчалик кристалланиш

жараёнига йўналтирилади ва материалнинг кимёвий тозалиги ортади ва структураси такомиллашади.

Нурланиш характеристикаси			
Q – интенсивлик, Вт/см²	Спектр тўлқин узунлиги диапазони, мкм	Квант энергияси диапазони, эВ	
Хом ашё характеристикалари			
А- кўриш соҳасидаги қоралик даражаси,	E_g – тақиқланган зона кенглиги,	Қайтариш коэффициенти	Зарралар ўлчамлари
Ютиш	Ютиш	Сарфланиш	
hν < E_g кучсиз, хажмда нуқтавий нуқсонларда	hν > E_g кучсиз, сиртда 1-5 мкм қалинликда	Радиацион нурланиш, қоралик даражаси, конвектив иссиқлик алмашилиши	

23-расм. Мужассамланган қуёш нурлари оқимининг материаллар билан таъсири моделини тузишда эътиборга олинган омиллар

Эриган ҳолатнинг ягона тузилмавий модели ҳозирча шакллантирилмаган. Ўта эриган ҳолатда ҳам анчагина миқдорда кластерлар мавжуд бўлади. Таъкидлаш мумкинки, суюқликнинг кластер тузилмаси кристалланиш натижасида олинган материалга узатилади. Бундай материал қаттиқ ҳолат реакциялари орқали олинган материалга нисбатан юқори хоссаларга эга бўлади. Аниқландики, силикат эритмалар кристаллардаги каби атомлар тартибли жойлашган кластерлар ва тартибсиз зоналардан иборат. Зернолардан ташкил топган тизим хоссалари суюқ ҳолатдан мерос қилиб олинади ва шишакристал материал хоссалари қаттиқ ҳолатдан синтез қилинган керамика хоссаларига нисбатан юқори бўлади. Худди шунинг учун зернолар ўлчамларини кичиклаштириш қаттиқ жисмлар хоссаларини ўзгартириш ва бошқаришда самарадор усул ҳисобланади.

Қуёш технологияларининг юқорида келтирилган жиҳатлари Катта қуёш сандонида эритилган шишакристал материаллар асосида ишлаб чиқариш технологияси самарадорлигининг ошишига олиб келади. Ҳисоблар кўрсатадики, электр энергиясига асосланган одатий технологияларда солиштирма электр энергияси сарфи 1,6 кВт/кг ни ташкил этади. 100 кг материал олиш учун эса 160 кВт электр энергияси талаб қилинади. Қуёш сандонида синтез қилишда эса солиштирма энергия сарфи 12 кВт ни ташкил этади. Бир кун

мобайнида Катта қуёш сандонида 50 кг материал эритиш мумкинлигини назарда тутсак, энергия сарфи 50 кВтни ташкил этади. Кўриниб турибдики, одатий технологиялар ва Қуёш технологияларида энергия сарфи фарқи 3 баравардан ортиқ. Умумий сарфхаражатлар (хом ашё таннархи, умумий керамик технологик жиҳатлар)ни ҳисобга олган ҳолда Қуёш сандонида эритишда энергия сарфининг камлиги қуёш технологияси асосидаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигининг ~11,2% га ошишига олиб келади. Бундан ташқари, қуёш технологиялари анъанавий технологиялардан фарқли ўлароқ юқори сифатли турғун хоссаларга эга бўлган материаллар олиш имконини беради.

ХУЛОСА

Базальт жинслари ва барий титанати мисолида мужассамланган ёруғлик нурланишининг материаллар билан таъсирланиши жараёнларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги хулосаларга келинган:

1. Катта қуёш сандонида берилган ҳоссалар комплексига эга бўлган материалларни синтез қилиш учун мужассамланган қуёш нурлари оқими зичлиги ва энергетик тақсимоли характерини ҳам ашёнинг ютиш коэффициенти, қоралик даражаси, эриш температураси ва иссиқлик ўтказувчанлиги каби кўрсаткичларга мос ҳолда оптималлаш лозимлиги кўрсатилган;

2. Катта қуёш сандонида эриган ҳолатни ўта қиздирилишига олиб келувчи юқори даражада мужассамланган ($300-350 \text{ Вт/см}^2$) оқим зичлиги шароитида эритиш ва эритмани сувда совитиш натижасида $5-70 \text{ мкм}$ ўлчамли зарралардан ташкил топган аморф ҳолатни олиш мумкинлиги аниқланган;

3. Катта қуёш сандонида базальт жинсларни 150 Вт/см^2 оқим зичлигида мужассамланган қуёш нурлари нурланиш оқими таъсирида қиздиришда диопсид $\text{CaMgSi}_2\text{O}_6$ ва авгит $(\text{Ca,Na})(\text{Mg,Fe}^{2+},\text{Al,Fe}^{3+},\text{Ti})(\text{Si,Al})_2\text{O}_6$ фазалар аралашмаси, оқим зичлиги 300 Вт/см^2 гача ортганда эса $\text{Fe}^{3+} \rightarrow \text{Fe}^{2+}$ ўтиши натижасида фаялит Fe_2SiO_4 ва диопсид-геденбергит $\text{Ca}(\text{MgFe}^{2+})\text{Si}_2\text{O}_6$ фазалар шаклланиши аниқланган. Оптимал миқдордаги аморф ва кристал фазалардан иборат микрокристаллит тузилма сабабли материалнинг емирилишга чидамлилиги қаттиқ ҳолат синтезга нисбатан 12%га ортиши аниқланган;

4. Катта қуёш сандонида хром оксиди қўшилган базальт жинсларига мужассамланган ($300-350 \text{ Вт/см}^2$) қуёш нурлари оқими таъсирида хром ионлари Cr^{3+} ҳолатдан Cr^{2+} ҳолатга ўтиб $\text{Ca}_{1-x}\text{Cr}_x(\text{MgFe}^{2+})\text{Si}_2\text{O}_6$ метастабил фазалар шаклланиши ва олинган шиша-кристал материални емирилишга чидамлилиги қўшимчасиз материалга нисбатан 12%га ортиши кузатилган;

5. Илк бор Катта қуёш сандонида эриган ҳолатдан синтез қилишда нурланиш оқими зичлигининг паст қийматларида кубик сингонияли барий титанати шаклланиши, оқим зичлиги 300 Вт/см^2 гача ортганда эса титан ионлари Ti^{4+} ҳолатдан Ti^{3+} ҳолатга ўтиши кристал панжаранинг тертагонал бузилишга олиб келиши аниқланган; Ba^{2+} ионларининг Fe^{2+} ионлари билан алмашилиши оқибатида $(\text{Ba}_{1-x}\text{Fe}^{2+}_x)(\text{Fe}^{3+}_x\text{Ti}^{3+}_x)\text{Ti}^{4+}_x\text{O}_{3-x}$ фаза шаклланиб

материалнинг диэлектрик киритувчанлиги қаттиқ ҳолатдан синтез қилинган материалга нисбатан 2-3 марта ортиб кетиши аниқланган;

6. Илк бор Катта қуёш сандонида мужассамланган қуёш нурланишининг қаттиқ ва суюқ ҳолатидаги материаллар билан таъсирланиши модели таклиф этилган ва юқори хароратларда материаллар деструкциясининг тезланиши ҳолатлар зичлигининг энергетик сатҳлар чегараларида кескин ортиб кетувчи зонавий тузилмаси билан характерланиши аниқланган;

7. Илк бор емирилишга ва иссиққа чидамли материаллар ва улар асосида буюмлар ишлаб чиқилган. Керамик кернлар ғовакли ғиштлар ишлаб чиқариш линияларида, керамик таёқчалар эса тиббиёт шиша буюмлари ишлаб чиқариш линияларида қўлланилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM/Т.34.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ИНСТИТУТ МАТЕРИАЛОВЕДЕНИЯ

**ПАЙЗУЛЛАХАНОВ МУХАММАДЕ-СУЛТАНХАН
САИДИВАЛИХАНОВИЧ**

**СИНТЕЗ ОКСИДНЫХ МАТЕРИАЛОВ С ЗАРАНЕЕ ЗАДАНЫМИ
МЕХАНИЧЕСКИМИ И ПЬЕЗОЭЛЕКТРИЧЕСКИМИ СВОЙСТВАМИ
С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ КОНЦЕНТРИРОВАННОЙ СОЛНЕЧНОЙ
ЭНЕРГИИ**

05.05.06 – Энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/T45.

Диссертация выполнена в Институте материаловедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант:

Атабаев Ильхам Гафурович

доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рахимов Рустам Хакимович

доктор технических наук, заведующий лабораторией института Материаловедения АН РУз.

Клычев Шавкат Исакович

доктор технических наук, с.н.с., директор научно-технического центра с конструкторским бюро и опытным производством Академии наук РУз

Юлдашев Исроил Абриевич

доктор технических наук, заведующий кафедрой «Альтернативные источники энергии» ТашГТУ имени Ислама Каримова

Ведущая организация:

Ферганский Политехнический Институт

Защита состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 при Физико-техническом институте. Адрес: 100084, г.Ташкент, ул. Чингиза Айтматова, дом 2Б. Административное здание Физико-технического института, зал конференции. Тел./Факс: (+99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100084, г.Ташкент, ул. Чингиза Айтматова, дом 2Б Физико-технический институт. Тел./Факс: (+99871) 235-42-91.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года

(протокол рассылки № ____ от «___» _____ 2019 года).

Н.Р.Авезова

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

А.Г. Комилов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н.

А.А.Каримов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской DSc диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Перспективы развития энергетики и повышения эффективности материаловедения связаны с расширением использования возобновляемых источников энергии, в частности энергии Солнца. В настоящее время во всем мире уделяется особое внимание проблемам получения материалов с высокими механическими и диэлектрическими свойствами методом направленной кристаллизации расплава, полученного с использованием гелиоустановок. В области создания материалов на базе солнечных технологий отмечено, что таковые, в отличие от традиционных источников энергии, позволяют в сотни раз повысить скорость нагрева, получать и фиксировать расплавы с определенным составом кластерного строения и, тем самым, получать материалы с заданными механическими и диэлектрическими свойствами. В этом аспекте проведение системных исследований процессов взаимодействия концентрированного солнечного излучения с материалами и выявление закономерностей физико-химических процессов о синтезе из расплава; исследование влияния плотности потока и спектра концентрированного светового излучения, а также степени перегрева расплава на свойства получаемых стеклокристаллических материалов; выявление их преимуществ по сравнению с традиционными технологиями; разработка новых эффективных методов синтеза стеклокристаллических материалов с высокими значениями износостойкости и диэлектрической проницаемости под воздействием концентрированного солнечного излучения и исследование процессов взаимодействия концентрированного солнечного излучения с материалами считается одной из основных и актуальных задач создания нового вида материалов.

В годы независимости в нашей республике особое внимание уделено фундаментальным и прикладным исследованиям в области синтеза материалов с заданными свойствами под воздействием концентрированного солнечного излучения высокой плотности с использованием зеркально-концентрирующих систем, в частности, Большой Солнечной Печи. В области разработки и создания технологических регламентов получения материалов с высокими значениями износостойкости диэлектрической проницаемости и изготовления на их основе изделий и внедрение их в текстильную и электронную отрасли достигнуты существенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены задачи «...сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии ...»¹. Реализация этих положений, в том числе, по повышению эффективности использования установок на основе возобновляемых источников энергии, в частности, Большой Солнечной Печи, обеспечивающее широкое их применение, за счет разработки новых технологий, на основе фундаментальных и

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

прикладных исследований и развития научного направления – гелио-материаловедение, обуславливает востребованность темы настоящей диссертационной работы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля, 2017 года: «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4512 от 1 марта, 2013 года: «О мерах по дальнейшему развитию альтернативных источников энергии», № ПП-2789 от 17 февраля, 2017 года: «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», № ПП-4358 от 17 июня, 2019 года: «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах», № ПП-4387 от 9 июля, 2019 года: «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан», В Законе Республики Узбекистан ЗРУ-539 от 21 мая, 2019 года: «Об использовании возобновляемых источников энергии», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан – IV «Развитие методов использования возобновляемых источников энергии, создание технологий и устройств на основе нанотехнологий, фотоники и других передовых технологий».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации².

Исследования процессов синтеза материалов с заданными свойствами с использованием зеркально-концентрирующих систем проведены в ведущих мировых центрах, институтах и университетах. Впервые солнечные концентраторы использовались для синтеза керамики, упрочнения и очистки металлов (Феликс Тробм, Франция). В 1949 году Феликс Тробм смог расплавить латунь в фокальной области солнечной печи 50kW (Мон-Луи, Франция). Позже такие исследования проводились в Национальной лаборатории возобновляемых источников энергии (NREL, США), в Научном центре, где расположена аналогичная Большая Солнечная Печь (SNRC, Франция), Немецком аэро-космическом центре (DLR, Германия), Институте Вейсмана (Израиль), Platform de Almeria (Испания), в институте высоких температур РАН. При этом плотности концентрированного потока определены различными метода-

² Обзор международных научных исследований по теме диссертации проведен на основе: <https://worldwidescience.org/topicpages/m/materials+science+chemistry.html>
Электронный научный журн. «Физико-химический анализ свойств многокомпонентных систем. ISSN 1819-5830. –В.1. –2003. [Электронный ресурс]–Режим доступа: <http://fh.kybstu.ru/fams> и др. источников.

ми, а скорости охлаждения расплава были невысокими. В результате исследований, проведенных в ведущих мировых центрах, получен ряд научно-практических результатов по синтезу стеклокристаллических материалов пироксенового и титанат бариевого составов, с применением методов синтеза из газовой фазы, синтеза из водных растворов, плазменных технологий, самораспространяющегося высокотемпературного синтеза, синтеза из твердофазных состояний. Выявлено, что традиционные методы не позволяют получать гомогенный, однородный по химическому составу расплав и материалы, полученные на его основе, характеризуются дисперсносвязанной системой частиц и ростом крупноразмерных кристаллов при термообработке стекол. Следовательно, механические и диэлектрические свойства таких материалов невысокие.

Методы, основанные на энергии высокой плотности, такие как лазеры, плазменные и электронно-лучевые или дуговые технологии, используемые при обработке поверхности материалов с целью повышения их стойкости к истиранию и коррозии, имеют низкую эффективность. В 1999 году французский физик Flamant (Flamant et al., 1999г) из анализа эффективности использования лазерной, плазменной и солнечной технологий показал, что солнечные технологии имеют высокую техническую и экономическую эффективность в процессах синтеза высокотемпературных материалов³. В этом отношении, использование концентрированной экологически чистой солнечной энергии, посредством установок на основе зеркально концентрирующих систем - гелиоустановок, приобретает важное значение. Исследования, проведенные в институте проблем материаловедения НАН Украины (Пасычный В.В., 2006г) показали перспективность переработки производственных отходов в потоке концентрированного солнечного излучения, позволяющие получить наноразмерные порошки материалов⁴.

В мире, научные исследования по использованию солнечной энергии для синтеза материалов из расплава, проводятся по следующим приоритетным направлениям: поиск новых путей повышения эффективности процессов синтеза материалов с высокими показателями износостойкости и диэлектрической проницаемости; разработка новых эффективных методов синтеза нового вида материалов и исследование процессов взаимодействия концентрированного солнечного излучения с материалами в различном агрегатном состоянии, влияния плотности и спектра светового излучения и степени перегрева расплава на свойства получаемых материалов.

